

# Намозда алангласликнинг муҳимлиги | Ҳадис дарслари (339-дарс)



19:00 / 30.07.2025 1610

نَعَمْ لَسَوْهَ لَعُ هَلَلَا لِي لَصَه لَل ل وُسَرُتْ لَأَسْ؛ تَلَا قَاهُ نَعُ هَلَلَا لِي ضَرَّةَ شَائِعْ نَع  
دَبْعَلَا لَعُ نَمُنَا طِي شَلَا هُسَلَتْ خِي سَالَتْ خَا وَه؛ لَأَقْفَه لَصَلَا ي فِتْ أَلْ لَأ  
دُوَادُ وُبْ أَوْ يئِئْ سَنَلَا وُيْرَا خُبْ لَأ هَا وُر

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозда аланглаш  
ҳақида сўрадим.**

**У зот:**

**«У киссавурликдир. Шайтон банданинг намозидан уриб қолур»,  
дедилар».**



كَايِي نُب أَي مَلَسَوِ وَيَلَعُ هَلَلِ لِي صَدَّ هَلَلِ لُؤْسَرَلِ اِق: لاقُ نَعُ هَلَلِ اِي ضَرَسَنَ اَنَعُ  
يِفِ اَلْعُوطَاتِ اِي فَفِ دُبِ اَلنَاكِنِ اِفِ، هَكَلَهْ هُنِ اِفِ اَلصَلَا اِي فِ تَا فِتْلِ اَلْاَوِ  
يِ ذِمْرَتِ اَلْاُمِّ هَاوَرِ، هَاوَرِ اِي رَفِ اَلْا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у кишига:**

**«Эй, болагинам, намозда аланглашдан сақлангин. Албатта, у ҳалокатдир. Агар ҳеч имкони бўлмаса, нафлда майли, аммо фарзда эмас», дедилар».**

*Икки ҳадисни Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан аланглаш нафл намозда бир оз енгил саналса ҳам, фарзда мутлақо мумкин эмаслигини тушуниб оламиз.

صِيَمِ اِي فِ لِي صَمَلَسَوِ وَيَلَعُ هَلَلِ لِي صَدَّ هَلَلِ لُؤْسَرَلِ اِق: لاقُ نَعُ هَلَلِ اِي ضَرَسَنَ اَنَعُ  
يِنُوتِ اَوِ مَوْجِ اِي بَا اِلِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ aَل  
هُتِ اَلْاَلِ اَوِ اَوِ اَوِ اَوِ aَل

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам белгилари бор хомийсада намоз ўқидилар ва:**

**«Бунинг белгилари мени машғул қилиб қўйди. Уни Абу Жаҳмга олиб бориб беринглар ва менга унинг анбижониясини олиб келинглар», дедилар».**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** «Хомийса» – рангдор, белгилари бор, ёпинчиққа ўхшаш кийим.

Абу Жаҳм розияллоҳу анҳу машҳур саҳобийлардан бўлиб, Омир ибн Ҳузайфа ал-Қурашийдир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга хомийсани у киши ҳадя қилган эдилар.

«Анбижония» – бир хил рангдаги қалин, ёпинчиққа ўхшаш кийим.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Биров берган ҳадяни олиш ва унда намоз ўқиш жоизлиги.

2. Жойнамоz турли рангли, нақшли ва аломатли бўлса, намоз вақтида намозхонни машғул қилиб қўйиши. Бу иш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан содир бўлганидан кейин бошқалар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

3. Биров берган ҳадяни, агар у хафа бўлмаслиги аниқ бўлса, ўзига қайтариб юбориб, ўрнига бошқасини сўраш мумкинлиги.

4. Жойнамоz бир хил рангда, содда бўлиши кераклиги.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.